# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ - БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ





Оилаларда маънавий муҳутни яхшилаш, аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган миллий- ва анънавий қадриятларни кўз қорачиғидай асраб авайлаш миллий эъзозллаш, нуронийлар ва ёшлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида “Қадриятларимиз – бебаҳо бойлигимиз” шиори остида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Қумқўрғон тумани Янгиер маҳалласида ташкил этилган тадбирда туман ҳокими, масъул ташкилотлар пиру-бадавлат нуроний онахонлар, маҳалла аҳли, ёшлар

ҳамда маҳалладаги Хотин-қизлар фаоллари иштирок этишди.

Туман Оила ва хотин-қизлар бўлими, туман ХТБ, Хунармандлар уюшмаси, туман маданият бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни ўзида акс этган урф-одатлар намойиши, ҳунармандлар кўргазмалари тадбир иштирокчиларида катта таассурот ўйғотди.